







МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ



Акциядорлик тижорат

«Пахта Банк»

барча юртдошларимизни Ватанимизнинг Бош Қомуси —

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ  
ШОНЛИ 10 ЙИЛЛИГИ

муносабати билан самимий ва қизгин  
муборакбод этади.

Шу қисқа давр мобайнида Ўзбекистонимизда улкан  
иқтисодий, ижтимоий ислохотлар амалга  
оширилди ва оширилмоқда.

Мамлакатимиз фуқароларини ушбу байрам билан қутлар  
эканмиз, ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик,  
қут-барака ва фаровонлик тилаймиз.

«Пахта Банк» —  
фаровонлигингиз калитидир!

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР —  
БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон «Ярмарка савдосини  
ташқил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида»ги қарори асосида

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН»  
ТЕННИС МАЖМУИДА

2002 йил 9-14 декабрь кунлари  
РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО

ЯРМАРКАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.

Ярмаркада: «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «ЎзМАДпarrанда-холдинг» компаниялари, «Ўздонмахсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамаксаноат», «Ўзпаррандасаноат» уюшмалари, «Ўзгўштсутсаноат» давлат акциядорлик уюшмаси, «Ўзбалиқ», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари томонидан 2003 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намойиш этилади.

ЯРМАРКАДА:


- ✓ СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ✓ ГҮШТ ВА ГҮШТ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ✓ БАЛИҚ ВА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ✓ ҚАНДОЛАТ ВА МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ✓ СПИРТЛИ ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР;
- ✓ КОНСЕРВАЛАР;
- ✓ КУРУҚ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ

ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари  
тақдим этилади.

Ярмаркада 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ана шу маҳсулотларни харид қилиш учун республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча истеъмолчилар билан шартномалар тузилади.

Ярмарка манзили: 700057, Тошкент ш., гвард. полковник Хўжаев к., 1-уй.  
Мўлжал: марказий телеминора, метронинг «Бодомзор» бекати.  
Телефон: 139-46-97.

Ярмаркага марҳамат!



Бадий гимнастика:

Нафосат Ва гўзаллик Намойиши

Бухоро шаҳрида бадий гимнастика бўйича «Соғлом авлод учун» нодавлат хайрия жамғармаси соврини учун ўтказилган II республика мусобақалари ниҳоясига етди

Мамлакатимизда иккинчи марта ўтказилган ушбу табирий, аслини олганда, ёш авлод тарбияси ва камолоти йўлидаги гўзалликнинг амалдаги инфо-дасидир. Негаки, кўзгини кураш остида ўтган баҳслар давомида юқори натижалар қайд этилди, янги истеъодлар кашф қилинди. Бунинг ажабланидигани жойи йўқ, албатта. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш республикамизда умумхалқ, умумдавлат иш даражасига кўтарилган. Жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор қаратилаётгани айни мўъжиза. Шунинг самараси ўларок, кўпбал спортчиларимиз жаҳон шохсуналарида юқори ўринлари эгаллаб, мустақил Ўзбекистон шухратига шухрат қўшибди. Бу билан ҳар қанча фахрланасак, гурунсанасак арзийди.

Нуфузи ҳакамлар хайъати иштирокидаги ҳар бир чиқишини профессионал жиҳатдан баҳолаб борди. Мана, баҳс майдонида навоийлик гимнастикачи Ульяна Трофимова. У лентада машқ бажараркан, хатти-ҳаракатлари нафис, енгил, энг муҳими, аниқ мақсадга йўналтирилган эди. Шу тўғрисида унинг чиқишини ҳакамлар хайъати томонидан юқори баҳоланди. Мариядан кейин навабати олган самарқандлик тўққиз ёшли гимнастикачи Олеся Доценко, бухоролик Раъно Мухамедова ва бошқалар ҳам ўз вази тоифалари бўйича жиҳдиди синовлан ўтдилар. Уларнинг жисмоний жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрситгани сезилиб турарди.

Авиоллар кетидан авлодлар келаяпти. Уларни ҳаётга тайёрлаш, келажакда ҳаётга қайтириш, спорт малакасини ошириш кечиктириб бўлмайдиган


Мустақиллик йилидаги турнирда ташкилий жиҳатдан баъзи хато-камчиликларга йўл қўйилган бўлса, кейингида бундай ҳол қузатилгани йўқ. Спортчиларнинг профессионал маҳорати ҳам анча юқори. Демак, ўсиш бор. Беш кураш тури бўйича ўтказилган баҳсларда 9 та вилоят вакиллари иштирок этишди. Афсуски, турнирда Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларидан ҳеч ким қатнашмади. Бунинг сабаби ўша жойдаги мутаассилларнинг ўзини аён, ҳолос.

Мусобақа якуниларига кўра, гимнастика кўп кураши бўйича шахсий биринчиликда тошкентлик спорт устаси Мария Сержантова, Эсира Алиева, спорт усталлигига номзодлар Комила Тўстаева, Екатерина Бабина, Рита Алимова, бухоролик Раъно Мухамедова, Махости Жураева, Диля Мирзақаримова, навоийлик Ульяна Трофимова ва бошқалар голибликка эришиб, ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо мукофотларни қўлга киритдилар. Гуруҳ голиблари, шунингдек, энг яхши ҳакамлар ҳам муносиб равишда тақдирланди.

Спорт — дўстлик элчиси, деган гап бор. — дейди бухоролик гимнастикачи Умида Фаттоева. — Аслида ҳам шундай. Эндикини тўққизта кўрдан бўлса-да, озуларим бир дунё. Келажакда бадий гимнастика сирларини пухта эгаллаб, дунё мусобақаларида қатнашини дилнига тукканман. Бу гапни турнир мен учун катта мактаб бўлди. Гарни унда совринли ўринни ололмаган бўлсам-да, сира қаф эмасман. Чунки илк бор республика турнирида иштирок этдим, янги дўстлар ортирдим. Мен учун энг муҳими — шу.

Шундай қилиб, бадий гимнастика бўйича II республика мусобақалари ниҳоясига етди. Унинг якунилари ва сабоқлари мутахассислар томонидан чуқур таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилиши аниқ. Нафосат ва гўзаллик малакалари ўртасидаги навабтадги беллашув келгуси йили Хоразм воҳисиде ўтказилади.

Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

4-5 декабрь кунлари Тошкент Давлат аграр университетиде Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб талабалар ўртасида кураш бўйича республика турнири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Универсиада-2000» баҳсларида атайин иккита медал (кумуш ва бронза) қўлга киритилгани билан қандай фахрланш мумкин? Бунинг устига, истеъод ва маҳорат борасида ҳеч қимдан қолшимайдиган йигит-қиз талабалар бисёр бўлса.

Универсиада сабоқ бўлди — университетнинг «оғиз жойи» сезилиб қолди. Иш қурилганига йигирма йилдан ошган спорт мажмуини замон талаблари даражасида таъмирлашдан бошланди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди — талабаларнинг спорт билан шуғулланиши учун тарғиботта ҳажат қолмади. Шароит муҳайё этилган, уларнинг ўзи бор ерга оқиб кела бошлади. Сув ҳаваси, кураш ва бокс зали, қўйингки, 19 спорт тўрағарида шуғулланувчиларнинг сонин беш юзга

қаршилади. Бешта спорт залига эга илм даргоҳига, ҳеч бўлмаганда, битта яшил майдон ҳам керак-да. Бу таъриф профессор Ҳасан Бўриев раёбаритидаги университет мазмуинини қўшимча имкониятларни топишга ундади. Илган имкон топади, деганларидек замонавий стадион барпо этишининг чораси чиқди. Гап фақат ҳафса лада экан. Ҳозир ўлчани халқаро стандартга тўлиқ жавоб берадиган футбол майдонига чим ётқизиб бўлинди. Навбат югуриш йўлакларини ва томошабинлар учун ўриндиқларини ўрнатишга келди. Қўрқам ва қўлай бўлган стадион ешларнинг сезимли масканига айланиши, шубҳасиз.

Чалқанча сузиш бўйича уч карра Осиё чемпиони Саида Искандарова шу университет талабаси, Савриддин Нарўзов, Давлат Чориев, Шоқир Тураев сингари таниқли полковлар ҳам шу ерда таҳсил олади. Бухорода ўтказилган навабтадги университетда ана шу йигит-қизлар ва уларнинг тенгшодлари аграр университет шайини муносиб қимов қилди. Булажақ аграрлар Наҳшбад юртида жами 17 та (6 олтин, 7 кумуш, 4 бронза) медални қўлга киритди. Бирданга иккита олтин медалга сазовор бўлган Саида Искандаровадан ташқари, Евгений Черняев (эркин кураш), Диана Плумаки (енгил атлетика), Наталья Бессмертних (мадор улоқтириш) ва Умар Маҳаматов (белбоғли кураш) ҳам шохсуналнинг юқори погонасидан қол оиди.

Бундай натижалар, албатта, бизни қувонтирди, — дейди университет ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари Ҳамидулла Шералиев. — Ешлик гайрат-шижоат фасли. Талабаларимиз ана шундай гайратни, илм ва маҳоратни спортдек беқиеё соҳага бағишлайётганларидан мамнуимиз. Уларга халқаро тоифадаги спорт устаси Аширбек Абдулсатторов, доцент Мирултон Солиҳов каби малакали мурабийларнинг таълим бераётгани ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Озод РАҲАБОВ, ЎА мухбири.

Меҳмоннавоз

чиқди декабрь —

Оқликларга

бурқаб дунёни.


Кўз қувонар,

кўнгил олар тин,

Қаранг, тўқин

қиш дастурхони.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-наваҳалари.



«Халқ сўзи» «Народное слово» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Иккинчи-сўғий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65 Маънавий ва маърифат — 136-35-60; Газетчилик билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 977, 27225 нуҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Газета тахрират компьютер тезлида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навабчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навабчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навабчи — М. ЖОНИХОНОВ. Мусаҳҳих — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 21.30 1 2 3 4 5 6



вазифалардан биридир. Бухоро турнири давомида ана шундай устувор руҳ яққол сезилиб турди. Мусобақа қатнашчилари орасида маҳоратли гимнастикчилар, спорт устаси ва тикчилар, спорт устаси ва спорт усталлигига номзодлар аниқгина эди. Аммо майдонда унво эмас, истеъод, маҳорат ва эпичлик иш беради. Биз ёш гимнастикчиларнинг нафис, жозибали хатти-ҳаракатларини кузатарканмиз, мамлакатимиз спортини ишончли қўлларда эканлигига яна бир қарра иймон келтирдик. Уларнинг либослари ва кўргазмали чиқишлари ўзини хос, бир-бирини асло такрорламасди.

Шахсий биринчилик ва гуруҳлар бўйича ўтказилган мусобақалар давомида тошкентлик гимнастикчиларнинг қўли баландлиги аққол сезилиб турди. Айниқса, спорт устаси Мария Сержантова, спорт усталлигига номзод Екатерина Бабина лента айлантириш, булава, тўп машқи, ҳалқа ва арқон орқали машқ бажаришда маҳорат кўрсатиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига! «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ шунинг маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йил 28 ноябрда тасдиқлаган № 19-03-РЎ-105-2002 й. нархлар преискурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2002 йилнинг 3 декабридан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 13800 сўм миқдориде бағиланди.

3 декабрь — Халқаро ноғиронлар куни МАТОНАТ Бугун Бутунжаҳон ноғиронлар куни. Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида Республика олимпия заҳиралари коллежиде ноғиронлар ўртасида туртинчи бор «спорт байрами» мусобақаларини ташкил этди ва унда спортнинг 6 тури бўйича 250 дан ортиқ иштирокчи ўзаро баҳслашдилар. Армрестлинг, стол тенниси, шохмат-шашка, мини футбол ҳамда енгил атлетика мусобақаларини кузатарканмиз, кўзи оғиз була тури, шохмотдаги профессионаллардек дон сураётган, ёки оғи оқсоқ бўлишига қарамай, стол теннисини қойилмақом ўйнаётган бу инсонларнинг ҳаётда ўзгача интилишлар билан яшаётганлигига амин бўлади. Майдонда бир оғи билан моҳирона тўп сураётганлар уста футболчилардан асло қолшмаслиги хайратлигини оширди. Дарвоқе, уларнинг матонати узоқ юртларда ҳам акс-садо бериб турибди. Баҳсларда голибликни қўлга киритган «Байналмилал» жамоаси ҳаттоки, ноғиронлар ўртасида ўтказилган мини футбол бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган. 60 метрга югуришда голиб бўлган Зудя Ҳабибуллоева шу йил Қозғистонда ўтказилган биринчи Осиё махсус олимпиясиде давлатимиз байроғини юқорига кўтарган эди. Айниқса, Умидажон Аҳмедовнинг қўлга киритган ютуқлари барчани хайратлантирди. Негаки, у тўрт мучаси соғ спортчилар билан беллашиб, армрестлинг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони бўлди.

Дилмурод ПАРПИЕВ.

«ПАРВИНА» КОМПАНИЯСИ юқори сифатли ер ёнғоқли ва ер ёнғоқсиз, Россия технологияси асосида тайёрланган «ПАРВИНА» ШОКОЛАДИНИ жуда арзон нархларда тақлиф этади. 30 гр. — 85 сўмдан 75 гр. — 220 сўмдан 80 гр. — 220 сўмдан 100 гр. — 300 сўмдан Тўлов шакли — турлича. Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (3662) 33-77-83, 31-07-01.

«PARVINA UNIPACK» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ Турли хил озиқ-овқатлар, тиббиёт воситалари, тўқилувчи қурилиш маҳсулотлари учун универсал ўраш материаллари ишлаб чиқариши бошланганини маълум қилади. Оригинал дизайн, бадий безаш — сизнинг буюртмангизга кўра. Турли шакл ва кўринишдаги таширф қоғозлари, этикеткалар, ёрликлар, гулқоғозлар тайёрлаб берилади. ҚИСҚА МУДДАТЛАР ВА АРЗОН НАРХЛАР Бизнинг манзил: Самарқанд ш., Бедел к., 17-уй (мўлжал: «Шинасозлаш» заводи). Телефонлар: (3662) 22-12-65, 33-48-03.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ «NBU-Янги йил» қисқа муддатли депозит турини тақлиф этади. Пуллар 2002 йилнинг 25 ноябридан 31 декабригача қабул қилинади. Сақлаш муддати — 3 ой. Кўшиладиган фоизлар: 1-ой — йиллик 70%; 2-ой — йиллик 60%; 3-ой — йиллик 50%. Таалаб қилиб олинмаган фоизлар ҳар ой капиталлаштирилади. Дастлабки бадалнинг минимал сўммаси — 25000 сўм. Қўшимча бадал камида — 10000 сўм. Миллий банк — пулларингиз бутлиги ва даромад келтириш кафолатидир! Телефонлар: 137-62-81, 137-62-83. www.nbu.com

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телеканали жамоаси ўз мухбири Ибрагим Юсуповга оғи МАМЛАКАТ аялини вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Маънавий ва маърифат» маркази жамоаси марказ раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимовга оғи Ҳошимжон ОЛИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ортопедия илмий-тектириш институти, ТашВМОИ травматология ва ортопедия кафедраси жамоалари таниқли олим ва шифокор, Андижон Давлат тиббиёт институти травматология ва ортопедия кафедраси муdiri, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор НЕМАТЖОН ҚУРБОНОВнинг бебақат вафоти таълиғи муносабати билан мардумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.